

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2022 йил февраль ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг сайёр суд мажлиси Самарқанд туман МИБ биносида бўлиб, раислик қилувчи Д.И.Нуралиев, судья ёрдамчиси О.Холмуминов ва М.Хамрокуловларнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Хусенов, судланувчи Х.Халилов ва унинг химоячиси Самарқанд шаҳар “Қомус” адвокатлар ҳайъати адвокати М.Саматоваларнинг иштирокида, Халилов Хасан Абдужалоловичга оид 1-1402-2101/231-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, иш ҳужжатларига кўра:

Халилов Хасан Абдужалолович (Xalilov Xasan Abdjalolovich), 1987 йил 8 октябрь куни Булунғур туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, ЯТМФБШ, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Б.И.Йўли кўчаси, 408-уй 2-хонада яшайди, иш бўйича 2021 йил 29 октябрь куни “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2021 йил 20 ноябрь куни айблов ҳулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186/3-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд иш бўйича судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;

А Н И Қ Л А Д И:

Халилов Хасан Абдужалолович ССВ томонидан фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган “Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш” лицензиясига эга бўлмасдан туриб, жуда кўп миқдорда дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиб моддий манфаат кўриш мақсадида, 2021 йил 13 август куни 300 дона “Remdesivir for injection 100 mg” номли дори воситаларини Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчасида жойлашган дорихоналардан сотиб олиб, 2021 йил 13 август куни соат 23:30 да, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси ва Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари томонидан Самарқанд тумани Қўштамғали МФЙ ҳудудида ўтказилган тезкор тадбир давомида, тадбирга жалб қилинган, “шартли харидор” Ярлоқобов Шерзод Бекмурод ўғлига 300 дона “Remdesivir for injection 100 mg” номли дори воситаларини 18.000 АҚШ долларига сотишга келишиб олиб, ундан тадбирда ишлатиш учун берилган 10.000 АҚШ долларини олган вақтида, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси ва Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари томонидан жиноят устида



кўпроқ миқдорда топиб беришини сўрагани, шунда у ушбу шахсга доридан топиб беришга ҳаракат қилишини маълум қилиб, эртаси куни ушбу доридан сотиб олиш учун дорихонага бориб, у ерда ушбу доридан жами 150 дона қолганлиги ҳақида хабардор бўлиб, “Лочин” исмли шахсга кўнғироқ қилиб, бу ҳақида хабар берган вақтида, у унга ушбу доридан унга 300 дона кераклигини, шу сабабли кўпроқ топиб беришимни сўрагани, шунда “Лочин” исмли шахсга, Тошкент шаҳрига келса, унга ушбу дори сотилаётган дорихонани кўрсатиб, ушбу доридан олиб беришим мумкинлигини айтгани, шу вақтда “Лочин” унга ўз ёнидан ушбу дориларни сотиб олиб, унинг танишидан Самарқандга бериб юборишини, у юкни Самарқандда қабул қилиб олганидан сўнг, пулини бериб юборишини айтгани, шу вақтда у ёнидан у сўраган миқдордаги дориларни сотиб олишга пул бўлмаганлиги ҳамда ушбу шахсни таклифи унга шубҳали кўринганлиги сабабли, унинг таклифига рози бўлмагани, сўнг, эртаси куни 2021 йил 12 август куни “Лочин” исмли шахс яна бир неча маротаба унга кўнғироқ қилиб, унга дори топиб беришини сўраб ўз холига қўймаганлиги сабабли, унга ушбу дориларни ҳар бирини 540.000 сўмдан сотиб фойда қилишни мақсад қилиб, “Лочин” исмли шахсга пул топганлиги ва у сўраган миқдордаги дориларни сотиб олиб жўнатишини айтган вақтида, “Лочин” унга ушбу дориларни “Шерзод” исмли Сурхондарёлик таниши сотиб олишини, у унинг кўнғироқ қилишини кутиб ўтирганлигини, унга зудлик билан кўнғироқ қилишини айтиб, унга “Шерзод” исмли шахсни телефон рақамини бергани, шунда у ушбу “Шерзод” исмли кейинчалик терговга қадар текширув вақтида тўлиқ исм шариф маълум бўлган Ярлоқобов Шерзодга кўнғироқ қилиб, унга телефон рақамини “Лочин” исмли шахс берганлигини айтган вақтида, Ш.Ярлоқобов унга “Лочин” ва унинг укаси “Бекзод” исмли шахсларга “Remdesivir” номли дориларни топиб беришлари эвазига, 100 АҚШ доллари миқдорида пул берганлигини, аммо, улар шу вақтга қадар ушбу доридан топиб беролмаётганликларини айтиб, “Лочин” исмли шахс унга айтган шахс яъни “Remdesivir” номли дориларни сотмоқчи бўлиб юрган шахс у эканлигини айтиб, дорилар қаерда эканлиги ҳақида сўрагани, шу вақтда у “Шерзод”га дорилар Тошкент вилоятида эканлигини айтганида, Ш.Ярлоқобов унга ушбу дориларни зудлик билан яъни шу куни соат тахминан 20:00 гача етказиб беришини сўрагани, шунда у Тошкент вилоятида яшовчи Ойбек исмли танишидан 151.000.000 сўм миқдоридаги пулларни қарзга олиб, 2021 йил 13 август куни соат тахминан 16:30 ларда, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси Янги ТошМИ олдида жойлашгани, у муқаддам “Remdesivir” номли дориларни сотиб олган дорихоналар олдида бориб, уларнинг бирига кириб фармацевтга мурожаат қилиб, унга 300 дона “Remdesivir” номли дори беришини сўраган вақтида, дорихонада ишловчи фармацевт унга ушбу доридан кўп миқдорда сотиш мумкин эмаслигини маълум қилганлиги учун, у ердан тахминан 20-30 дона “Remdesivir” номли дори воситаларини сотиб олиб, сифатига шубҳа қилаётганлигини билдириб мувофиқлик сертификатини нусхасини ҳам олгани ва дориларнинг қолган қисмини ушбу манзилда жойлашган бошқа дорихоналардан турли миқдорда сотиб олиб, ушбу дорилар сони 300 донага етмаганлиги сабабли, дорихоналарга келган олдиндан таниш бўлмаган



шахсларга пул бериб, ушбу дори воситасидан сотиб олиб беришларини илтимос қилиб сўраб, ушбу шахслар орқали ушбу дорилардан, шу куни соат тахминан 19:00га қадар дорилар сонини 300 донага етказиб, Ш.Ярлоқобовга қўнғироқ қилиб, унга дориларни олганлиги ҳақида хабар бергани, шу вақтда у унга ушбу дориларни Самарқандга олиб бориб берсам, дориларнинг пулидан ташқари унга йўл кира пулини ҳам беришини айтганлиги учун, шу куни йўловчи автомашинада Самарқанд вилоятига бориш учун йўлга чиқиб, Самарқанд вилояти Булунғур туманига етиб келиб, Тошкент вилоятидан уни олиб келган йўловчи автомашина Навоий вилояти Хатирчи туманига боришини маълум қилганлиги учун, ҳамқишлоғи Усанов Шухратга қўнғироқ қилиб, унга уни Самарқанд шаҳригача олиб боришини ва Юқори нуқта ЙПХ масканида кутиб олишини сўрагани ва Ш.Усанов билан учрашиб, унинг автомашинасига 5 дона қоғоз қутиларда бўлган дориларни ортиб, Самарқанд шаҳрига қараб кетаётган вақтида, Ш.Ярлоқобов унга қўнғироқ қилиб, Самарқанд тумани ҳудудида жойлашган Гребной канал олдида учрашишини ва дориларни АҚШ доллари валютасида сотиб олишини айтгани, шундан сўнг, шу куни соат тахминан 23:30 да, Ш.Усановни автомашинасида Ш.Ярлоқобов айтган жойга етиб бориб, у билан ушбу жойда жойлашган автотураргоҳда учрашган вақтида, Ш.Ярлоқобов уни олдига кейинчалик терговга қадар текширув вақтида исм шариф маълум бўлган божхона ходими Тўрақулов Достон билан биргаликда келиб, у билан учрашиб, Д.Тўрақулов шериги эканлигини маълум қилиб, дори қаерда эканлигини сўраган вақтида, автомашинадан дорилар солинган битта қутини олиб, Ш.Ярлоқобов ва унинг шериги Д.Тўрақуловга кўрсатган вақтида, улар қутини очиб, ичида ҳақиқатдан ҳам “Remdesivir” номли дориларни борлигини кўриб гувоҳи бўлишганидан сўнг, қолган дориларни ҳам автомашинадан тушириб, санокдан ўтказганидан сўнг, Ш.Ярлоқобов уни қўлига 100 АҚШ долларида иборат пуллар ўрамини бергани, шу вақтда у ушбу пулларни санокдан ўтказиш учун шериги Ш.Усановга бериб, Д.Тўрақулов дорилар 300 донадан кам эканлигини айтганлиги учун дориларни қайтадан санокдан ўтказиб бергани, шу вақтда таниши Ш.Усанов ҳам пулларни санокдан ўтказиб бўлиб унга бериб, 100 дона эканлигини маълум қилгани, шунда у ушбу пулларни қўлимга олган вақтида, у ерга ўзларини Самарқанд вилояти ИИБ ходимлари ва божхона органи ходимлари деб таништирган, фуқаролик кийимида бўлган 5-6 нафар шахслар келиб, тадбир давомида дори воситаларини қонунга хилоф равишда сотганлигини маълум қилиб, видео тасвирга олиб дориларни санокдан ўтказиб, хужжат қилиб божхона бошқармаси биносига олиб келишгани ҳамда у ерда дориларни қайтатдан санокдан ўтказиб, видео тасвирга олиб хужжатларни расмийлаштиришгани, “Remdesivir For injection 100 mg” номли дориларни Б.Тоштемиров билан гаплашмагани, лекин акаси Л.Тоштемиров билан гаплашгани, Л.Тоштемировга мазкур дориларни сотилиш нархи 540.000 сўм деб айтгани, шунда Л.Тоштемиров унга харидор топганини ва унга мазкур харидорга дорини нархини 650.000 сўм айтишини, чунки шу нарх билан харидор билан келишишганини, шу сабабли харидорга дориларни шу нархда олиб пулдаги 100.000 сўм фарқини беришини айтгани, Л.Тоштемиров билан харидор келишувига биноан дориларни сотиб бўлган кейин Л.Тоштемировни



улушини бериши керак бўлгани, унга тухмат қилмаётгани, бу ҳақда дастлабки тергов органига айтиб бергани, нимага-дур сўроқларида бу ҳақда кўрсатилмай қолгани ҳақида кўрсатув бериб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Ш.Ярлоқобов суд мажлисида, 2021 йил август ойи ўрталарида 12 август куни “Telegram” интернет месенджерининг Самарқанд шаҳрида фаолият юритувчи аптекачилари ўртасида тузилган гуруҳига аъзо бўлиб, у ерда “Бегзод” исмли шахс “Remdrsivir For Injection 100 mg” номли дори воситаларини сотиши ҳақида ёзган эълонни кўриб, ушбу шахснинг шахсий акаунтига кириб, унинг телефон рақамини олиб кўнғироқ қилиб, у билан ўзаро гаплашган вақтида, у унга ушбу турдаги дори воситалари борлигини, топиб бера олишини маълум қилгани, шу вақтда у ундан дорининг нархи сўраб, у дорининг 1 таси 650.000 сўм эканлигини маълум қилган вақтида, унга ушбу доридан 500 дона кераклигини, топиб бера олиш олмаслиги ҳақида сўрагани, шу вақтда ушбу шахс унга ушбу доридан 300 дона топиб бера олишини, аммо, унга топиб берганлиги учун, унга алоҳида хизмат ҳақи тўлашини маълум қилгани ва орадан тахминан 20-30 дақиқа вақт ўтганидан сўнг, кўнғироқ қилиб, унга 300 дона дориларнинг пулини берган тақдирида, у ушбу турдаги дориларнинг ҳар жойдаги дорихоналардан йиғиб чиқишини ва унга олиб келиб беришини маълум қилгани, шу вақтда у унинг гапларига ишонмасдан, дориларни топиб берганидан сўнг, унга пулини беришини маълум қилгани, шунда Бегзод исмли шахс унга бирон-бир иложини қилиб бўлса ҳам, ушбу дориларни топиб унга кўнғироқ қилишини айтиб, орадан 1 соат вақт ўтганидан сўнг, унга бошқа абонент рақамдан кўнғироқ қилиб, ушбу доридан тополмаганлигини маълум қилгани, сўнг, эртаси куни яъни 2021 йил 13 август куни соат тахминан 09:30 ёки 10:00 да, унга ўзини Хасан деб таништирган, кейинчалик терговга қадар текширув вақтида, тўлиқ фамилия исм ва шарифи маълум бўлган, Халилов Хасан Абдужалолович кўнғироқ қилиб, “Remdrsivir For Injection 100 mg” номли дори воситаларини излаётган экансиз, менда ушбу доридан бор, сизга қанча керак, қанча бўлса ҳам топиб бера оламан”-деб айтгани, шу вақтда у унга ушбу дорилардан 500 дона кераклигини, аграда топа олмаса 300 дона этишини айтиб, ундан ушбу дорини нархини сўраган вақтида, у менга дорининг ҳар бирини 650.000 сўмдан сотишини маълум қилгани, шу вақтда Х.Халилов билан ушбу дориларни сотиб олишга келишиб олиб, дориларни қачон қаерда олиши мумкинлиги ҳақида сўраган вақтида, Х.Халилов унга ушбу дориларни унга шу куни Тошкент вилоятидан олиб келиб беришини маълум қилгани, сўнг у Х.Халилов юртида COVID-19 коронавирус касаллиги кенг тарқалиб кетиб, пандемия эълон қилинганидан фойдаланиб, фуқароларга “Remdesevir For injection 100 mg” номли дори воситаларини қонунга хилоф равишда сотиш билан шуғулланиб келаётганлиги учун ўз фуқаролик бурчимни бажариш ҳамда ушбу шахсни жиноий қилмишларига чек қўйиш мақсадида, 2021 йил 13 август куни Самарқанд вилоят ИИБ маъмурий биносига бориб ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида ушбу шахсни қилмишларни фош этиш ва тадбирда харидор сифатида иштирок этишини билдиргани, сўнг Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари ва Божхона бошқармаси ходимлари ҳамкорликда унинг аризасига



асосан “Назорат тартибида дори воситаларини сотиб олиш” тезкор тадбири ўтказишни режалаштириб, ушбу тадбирда у харидор сифатида иштирок этиши белгиланиб, 2021 йил 13 август куни соат тахминан 20:15 да, икки нафар тадбирда холис сифатида иштирок этиш учун таклиф қилинган шахслар иштирокида, Самарқанд вилоят ИИБ маъмурий биносида жойлашган хизмат хоналарининг бирида фуқаро Халилов Хасан Абдужалолвичдан “Remdesevir For injection 100 mg” номли дори воситаларини сотиб олиши учун 18.000 АҚШ доллари миқдоридаги 100 АҚШ доллари купюраларидан иборат бўлган пуллар ичидан 10 донасини серия рақамларини пул бериш ҳақида тузилган баённомага киритиб, ксеро нусхалари олиниб тақдим қилингани, сўнг, тадбир режасига асосан, у Х.А.Халиловдан “Remdesevir For injection 100 mg” номли дори воситаларни сотиб олиш учун олдиндан келишилган жойга яъни Самарқанд тумани ҳудудидан ўтувчи “Тошкент-Қашқадарё” йўналишли М-39 автомобиль йўлининг устида жойлашган автотураргоҳга бориб, у ерда фуқаро Х.А.Халилов билан учрашиб, ундан “Remdesevir For injection 100 mg” номли дори воситаларини олдиндан келишилган 18.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб олиб, унга 18.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бериши, шу вақтда ИИБ ходимлари икки нафар тадбирда иштирок этишга таклиф қилинган холислар билан биргаликда кузатувчи сифатида орқасидан боришлари ҳамда фуқаро Х.А.Халилов билан учрашган жойидан панароқда кузатиб туришлари ва унинг ишорасига яъни юзида бўлган никобни туширишига кўра, воқеа жойига кузатиб турган жойларидан боришлари белгилангани, сўнг, шу куни соат тахминан 21:00 да, Х.Халиловга кўнғироқ қилиб, ундан қачон қаерда учрашиб дориларни ундан сотиб олишим мумкинлиги ҳақида сўраган вақтида, у унга Тошкент вилоятидан дориларни олиб келаётганлигини тахминан 3-4 соатдан кейин келиши маълум қилиб, шу куни соат тахминан 23:00 да, кўнғироқ қилиб, Самарқанд шаҳрига кириб келаётганлигини маълум қилган вақтида, Самарқанд вилоят ИИБ ҳамда Божхона ходимлари ва тадбирда таклиф қилинган икки нафар холислар билан Самарқанд вилоят ИИБ маъмурий биносидан чиқиб, соат 23:30 да, божхона хизматчиси билан биргаликда, унинг автомашинасида Х.А.Халилов билан учрашиш учун Самарқанд тумани ҳудудидан ўтувчи “Тошкент-Қашқадарё” йўналишли М-39 автомобиль йўлининг устида жойлашган автотураргоҳга бориб, у билан телефонда гаплашиб, уни кутиб турган жойини маълум қилиб чақирган вақтида, Х.А.Халилов олдида Нексия-2 русумли, давлат рақами 30 S 598 ОА бўлган автомашинада келиб, автомашинадан тушиб олдига келиб, у билан саломлашган вақтида, ундан дориларни олиб келган-келмаганлиги ҳақида сўраган вақтида, Х.Халилов унга дориларни олиб келганлигини айтиб, автомашина саломида бўлган қутини олиб, ичида бўлган дориларни кўрсатгани, шу вақтда у ундан қолган дориларни сўраган вақтида, Х.Халилов автомашинанинг юкхонасида бўлган қолган дорилар солинган 4 та қутиларни олиб ичида бўлган дориларни санаб кўрсатгани, шу вақтда у унга тадбирда ишлатиш учун берилган 18.000 АҚШ долларини бергани, шу вақтда Х.Халилов 10.000 АҚШ долларини санокдан олиб, қолган пулларни санаш учун, Нексия-2 русумли, давлат рақами 3598ОА бўлган автомашина ҳайдовчисига бергани, шу вақтда у уларни



кузатиб турган ИИБ ходимларига юзида бўлган ниқобни тушириб ишора қилгани, шу вақтда ИИБ ходимлари икки нафар холислар билан биргаликда улар турган жойга келиб, ўзларини таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ушбу жойда нима қилаётганлиги ҳақида сўрашган вақтларида, ИИБ ходимларига кўлида бўлган дориларни Х.А.Халиловдан 18.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб олиб, унга олдиндан 18.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларни бериб, ундан “Remdesevir For injection 100 mg” номли дориларни олмоқчи бўлиб турганлигини маълум қилгани, шу вақтда ИИБ ва Божхона органи ходимлари воқеа содир бўлган жойни ва Нексия-2 русумли, давлат рақами 30S5980A бўлган автомашинани видео камера ёрдамида тасвирга туширилган холда кўздан кечиришиб, фуқаро Х.А.Халилов 18.000 АҚШ доллари эвазига сотмоқчи бўлган 5 дона қоғоз қутиларга солиб жойлаштирилган “Remdesevir For injection 100 mg” номли дорилар ва Х.А.Халиловни ёнида бўлган пулларни санокдан ўтказиб, воқеа содир бўлган жой қоронғу бўлганлиги сабабли, ҳужжатларни расмийлаштириш учун Самарқанд вилоят божхона бошқармаси маъмурий биносига олиб келишгани ва у ерда холислар иштирокида автотранспорт воситаси ва дориларни қайтатдан санокдан ўтказиб, ҳужжатларни расмийлаштиришгани “Remdesevir For injection 100 mg” номли дориларни Б.Тоштемиров билан савдолашмагани, лекин акаси Л.Тоштемиров унга мазкур дорини топиб беришини ва нархи 650.000 сўм атрофида бўлиши ҳақида айтгани, кейин ундан қанча вақтда мазкур дорини олиши ҳақида сўраганида, у унга олдиндан тўлов қилинса кунни иккинчи ярмида топиб беришини айтгани, бу ҳақда дастлабки тергов органи сўрамагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Тоштемиров суд мажлисида, 2021 йил август ойидан бошлаб сентябрь ойига қадар Самарқанд шахрининг Буюк Ипак Йўли кўчаси 50-уй 71-хонадон юридик манзилида жойлашгани, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини олиб борувчи “Sharofat МКК” МЧЖда ишловчи акаси Тоштемиров Лочин Шакировични олдида фармацевтика соҳасини ўрганиш мақсадида амалиёт ўтаб келгани, 2021 йил август ойи бошларида, унга олдиндан таниш бўлмаган бир аёл, унинг абонент рақамига очилган “Telegram” интернет мессенджери акаунтига, “Remdesevir” номли дори воситалари сотувда борлиги ҳақида Самарқанд шаҳрида фаолият юритувчи дорихоначилар ўртасида “Telegram” интернет мессенджерда тузилгани, у аъзо бўлгани, “Sam Apteka” ёки “Samarqand Arzon Apteka” номли гуруҳда ёзганлигим юзасидан, ёзиб, унга телефон рақамини беришини сўрагани, у ушбу аёлга телефон рақамини берганидан сўнг, у унга кўнғироқ қилиб, унга “Remdesevir” номли дори воситалари кераклигини маълум қилганидан сўнг, олдида у ишловчи дорихона олдида ушбу аёл номидан “Шерзод” исмли шахс кўнғироқ қилиб келиб, унга “Remdesevir” номли дори воситалари кераклигини айтгани, шу вақтда у ушбу шахсга акаси Тоштемиров Лочиннинг телефон рақамини бергани, Ш.Ярлоқобов билан дори юзасидан савдолашмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Л.Тоштемиров суд мажлисида, 2012 йилдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар Фармацевтика соҳасида яъни Самарқанд шахрининг Б.П.Йўли



кўчаси 50-уй 71-хонадон юридик манзилида жойлашган, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини олиб борувчи “Sharofat МКК” МЧЖда фармацевт сотувчи вазифасида ишлаб келиши, 2021 йил август ойи бошларида, унга “Remdesevir” номли дори воситалари керак бўлиб қолганлиги сабабли, Самарқанд шаҳрида фаолият юритувчи дорихоначилар ўртасида “Telegram” интернет мессенджеридида тузилган, “Sam Apteka” ёки “Samarqand Arzon Apteka” номли гуруҳга кириб, унга “Remdesevir” номли дори воситалари кераклиги ҳақида ёзгани, сўнг ушбу “Remdesevir” номли доридан топганидан кейин, орадан бир неча кун вақт ўтиб яъни 2021 йил 12 август куни унинг +99890-159-33-77 абонент рақамига ўзини “Хасан” деб таништирган шахс кўнғироқ қилиб, “Telegram” интернет мессенджеридида “Remdesevir” номли дори кераклиги ҳақида ёзганлигини айтиб, унда “Remdesevir” номли дори борлигини, қанча миқдорда бўлса ҳам бир фирмдан олиб бера олишини маълум қилгани, шу вақтга келиб, унга ушбу “Remdesevir” номли дори керак бўлмай қолганлиги сабабли, “Хасан” исмли шахсга бу ҳақида айтгани, шундан сўнг ҳам “Хасан” исмли шахс унга бир неча маротаба кўнғироқ қилиб, “Remdesevir” номли дорининг асли (оригинали) арзон нархда унда борлигини, бирон-бир шахсга керак бўлса, сотиб фойда қилишимиз мумкинлигини айтиб, ўз холига қўймасдан ушбу дориларнинг фотосуратини юборган вақтида, укаси Тоштемиров Бекзод унга бир шахсга “Remdesevir” номли дори воситалари кераклигини сўраб мурожаат қилганлигини айтганлиги учун, укаси Б.Тоштемировдан ушбу шахсни телефон рақамини олиб, ушбу шахс билан гаплашиб, укаси Б.Тоштемиров “Remdesevir” номли дори воситаси кераклигини сўраганлигини айтган вақтида, ушбу шахс унга ҳақиқатдан ҳам унга “Remdesevir” номли дори воситаси кераклигини айтиб, ушбу дориларни Самарқанд тумани ҳудудидаги “Гребной канал” яқинида жойлашган Қашқадарё вилоятига қатновчи автомашиналар тураргоҳига олиб бориб беришини, у ушбу дориларни сотиб олишини айтгани, шу вақтда у ушбу шахсга дори воситаларини “Хасан” исмли шахс сотаётганлигини, ушбу шахс билан ўзаро гаплашиб келишиб олиши мумкинлигини айтиб, “Хасан” исмли шахсга кўнғироқ қилиб, унга сотмоқчи бўлиб юрган “Remdesevir” номли дори воситаларини сотиб олмоқчи бўлган шахсни телефон рақамини бергани, сўнг, “Хасан” исмли шахс унга кўнғироқ қилиб, унга мижоз топиб берганлиги учун сотаётган дори фойдасидан бирон-бир нарса бериб кетишини, у у топиб берган шахсга 300 дона “Remdesevir” номли дориларни сотиш учун Тошкентдан Самарқандга келаётганлигини маълум қилгани, шу вақтда у “Хасан” исмли шахсга Пайариқ туманида уйда эканлигини айтгани, Хасандан мазкур дориларни сотилиши юзасидан ўзи фойда кўриш учун устама нарх айтмагани ҳақида кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчиси Р.Хусеновнинг хулосасини ва судланувчини ҳимоячиси М.Саматованинг фикрларини эшитиб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Х.Халиловнинг жинойт содир этганликдаги айби, шунинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, суд ҳалқисидида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Н.Махмаджонов, Ш.Усанов, Юбоевларни дастлабки терговдаги кўрсатувлари, жинойт ишида мавжуд



бўлган билдирги, ариза, воқеа жойини кўздан чириш баённомаси, ҳуқуқбузарлик баённомаси, тушунтириш хатлари, стенограмма баённомаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси, экспертиза хулосалари, ашёвий далиллар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланди.

Дастлабки тергов органи томонидан Халилов Хасан Абдужалоловичнинг жиноий хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,186/1-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган. Чунки, Халилов Хасан Абдужалолович ССВ томонидан фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган “Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш” лицензиясига эга бўлмасдан туриб, жуда кўп миқдорда дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиб моддий манфаат кўриш мақсадида, 2021 йил 13 август куни 300 дона “Remdesivir for injection 100 mg” номли дори воситаларини Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчасида жойлашган дорихоналардан сотиб олиб, 2021 йил 13 август куни соат 23:30 да, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси ва Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари томонидан Самарқанд тумани Қўштамғали МФЙ ҳудудида ўтказилган тезкор тадбир давомида, тадбирга жалб қилинган, “шартли харидор” Ярлоқобов Шерзод Бекмурод ўғлига 300 дона “Remdesivir for injection 100 mg” номли дори воситаларини 18.000 АҚШ долларига сотишга келишиб олиб, ундан тадбирда ишлатиш учун берилган 10.000 АҚШ долларини олган вақтида, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси ва Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари томонидан жиноят устида кўлга олиниб, 10.000 АҚШ доллари миқдорига пуллар ва 300 дона “Remdesivir for injection 100 mg” номли дори воситалари ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд судланувчига жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқорида қайд этилган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб;

- судланувчи Х.Халиловни қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, муқаддам



судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятда содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини жазосини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятнинг хусусияти ва турини, ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва шахсини алоҳида эътиборга олиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 186/3-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

Қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиб, гаров тариқасида қўйилган 10.000.000 сўм пул маблағларини ўзига қайтаришликни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 5-бандида, Ашёвий далилларнинг жиноят ишини тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор, суд ашёвий далилларнинг йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш юзасидан ЖПК 208, 209-моддаларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбурдирлар. Бунда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 15 июлдаги 200-сон билан тасдиқланган «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 29 декабрда 2174-сон билан рўйхатга олинган «Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ҳам қатъий риоя этилиши лозим деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 15 июлдаги 200-сон билан тасдиқланган «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги Низомининг 3-қисми 13-бандида, дори воситалари ва тиббий буюмлари мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши кераклиги қайд этилган.

Суд, амалдаги Қонун ва Пленум қарорини тушунтиришларига риоя қилиб, ашёвий далил тариқасида эътироф этилган 2 дона ДВД дискларини жиноят иши билан бирга сақлашликни, тадбир учун ишлатилган АҚШ долларини ИИБ ЖҚБ тезкор вакили Қ.А.Халиловга топширилганлигини инобатга олишни Пастдарғом туманидаги “Дори-дармон” АЖда сақланаётган жами 298 дона “Remdesivir for injection 100 mg” номли дори воситаларини белгиланган тартибда йўқ қилишликни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:



Халилов Хасан Абдужалолович (Xalilov Xasan Abdusalolovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186/3-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Халилов Хасан Абдужалоловичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186/3-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Халилов Хасан Абдужалоловични яшаш хонадони яъни Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Б.И.Йўли кўчаси, 408-уй 2-хонадан кечқурун соат 22 дан эрталаб соат 6 гача чиқиши чеклансин.

Халилов Хасан Абдужалоловичга куйидаги қўшимча чеклашлар юклатилсин:

-ИИБ рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Тошкент шаҳри худудидан ташқарига чиқмаслик.

Халилов Хасан Абдужалолович устидан назорат қилиш вазифаси Тошкент шаҳри, М.Улуғбек туман ИИБ ПГ маъмурияти зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати ҳукм ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Халилов Хасан Абдужалоловичга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров тариқасида қўйилган 10.000.000 (ўн миллион) сўм пул маблағлари ўзига қайтарилсин.

Ашъвий далил тариқасида эътироф этилган;

- 2 дона ДВД дисклари жиноят иши билан бирга сақлансин;

- тадбир учун ишлатилган АҚШ доллари ИИБ ЖҚБ тезкор вакили Қ.А.Халиловга топширилганлиги инобатга олинсин;

- Пастдарғом туманидаги “Дори-дармон” АЖда сақланаётган жами 298 дона “Remdesivir for injection 100 mg” номли дори воситалари белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 (йигирма) сутка ичида, судланган ҳукм нусхасини олган кундан шу муддат ичида, апелляция тартибида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шу суд орқали шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Д.Нуралиев

Маъсул судья: Нуралиев Давран Илхомович

